



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 30.08.2022 г. № 63

между "Ситора курилиш сервис и Самарканд шаҳар ХТБ марказ на общую сумму 243179418,00

Глава

075

Казначейский лицевой счёт

100022860184017092100075139

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4232200			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август	243 179 418,00			243 179 418,00
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	243 179 418,00			243 179 418,00

Всего 243179418,00 сум

Двести сорок три миллиона сто семьдесят девять тысяч четыреста восемнадцать сум 00 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 72953825,40 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в _____ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца.

(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)



Руководитель заказчика

М.П.

(подпись)

Н.Суярова
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

С.Мирзаев
Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения

(подпись)

Получил работник заказчика

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

«__» _____ 20__ г.

**Жорий таъмирлашга оид
ШАРТНОМА № 63**

«30» 08 2022 йил

SITORA QURILISH SERVIS MЧЖ кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи У. Махмудов номидан, бир томондан ва Самарканд ш халк таълим булими кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи рахбар Н.Суярова номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га Жорий таъмирлаш ишлари (кейинги ўринларда - "Ишлар" деб юритилади) ишларини бажариш, "Буюртмачи" ушбу "Ишлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. "Ишлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Ўлчов бирлиги	сони	нархи	Суммаси
1	Самарканд шаҳар халқ таълим бўлимига қарашли 56 мактабнинг стадиёни жорий таъмирлаш	Хизмат	комплект	243 179 418	243 179 418
	ЖАМИ				243 179 418

- 1.3. Шартноманинг умумий 243 179 418 сўммаси (**икки юз қирик уч миллион бир юз етти миш тўққиз минг тўрт юз ўн саккиз минг**) сўмни ташкил қилади

**2. ТОМОНЛАРНИНГ
ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

- 2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- 2.1.2. "Бажарувчи" дан "Ишлар" "Буюртмачи" нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
- 2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуқсон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Ишлар" кўрсатилишини талаб қилиш;
- 2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:
- зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" шунга ўхшаш "Ишлар" билан алмаштирилишини;
- "Ишлар"нинг қамчиликлари бепул бартараф этилишини ёки қамчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
- баҳосининг мутаносиб тарзда қамайтирилишини талаб қилиш;
- 2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

- 2.2.1 Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

- 2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш

**3. ШАРТНОМАНИНГ
БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 243 179 418 сўммаси (**икки юз қирик уч миллион бир юз етти миш тўққиз минг тўрт юз ўн саккиз минг**) сўмни ташкил этади.
- 3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун пул қўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.
- 3.3. "Буюртмачи" мазкур контрактни Ғазначиликда рўйхатга олинган қундан бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан 30% миқдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментта қирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.5. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.6. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтари юритади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.7. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бунда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, ҳажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажминини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи миқдорда жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контракция шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контракция шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам қўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контракция шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик конунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади.

VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага қўра, мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини қўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожат қилишга ҳақлидир.

Д7. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил « 30 » 08 2022 йил «31» декабригача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

8.2 Шартнома Ҳазначилик органларида рўйхатга олингандан сўнг қонуний кучга кирилади.

9. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР.

9.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яни улар, уларнинг ходимлари, кафилланган шахслар, бенифициялари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштиракидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

9.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва муружаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

9.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавфхатар баратараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

9.4. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга ётказилган зарарларни қоплаш қонунчиликларида кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятлари ни бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

10. ЯҚУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.

10.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

10.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

10. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Ижрочи»

SITORA QURILISH SERVIS MCHJ

(ётказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

Манзил: Самарқан в пайарик т

Тел./факс +998 93 835 90 00

(ҳ/в ёки шғҳ) 20208000500275829001

ИШТИХОН Т., "ГАРАНТ БАНК" АЖ ИШТИХОН
ФИЛИАЛИ

МФО 00311 СТИР 302802660



Рашид Махмудов

Самарқанд ш халқ таълим бўлими

Манзил: Самарқанд ш Регистон 6 уй

Тел./факс 66 235 06 16

Ҳ/Р: 100022860184017092100075139

СТИРи 201213210

МФО: 00912

Банк: Марказий банк



Буюртмачи раҳбари

Н.Суярова

(лавозими) (Ф.И.О.)

(имзо)

М.У



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Халқ таълим бўлими мудири

Н.Суярова

Самарқанд шаҳар халқ таълим бўлимига қарашли хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши
БАЁНИ

Самарқанд шаҳри

« 26 » 08 2022 й.

Раислик қилувчи

А.Солиев

Иштирок этган комиссия аъзолари:

А.Солиев

Д. Зокирова

М.Абдуллаев

С.Мирзаев

И.Абдубакиров

Ғ.Қаххоров

Комиссия аъзоси, Мудир ўринбосари

Комиссия аъзоси, Экспуатация бўлим бошлиғи

Комиссия аъзоси, Давлат харидлари бўлими бошлиғи

Комиссия аъзоси, Бош ҳисобчи

Комиссия аъзоси, Таминочи

Комиссия аъзоси Хўжалик ишлари бўйича мудар ўринбосари

КУН ТАРТИБИ:

Самарқанд шаҳар халқ таълим бўлимига қарашли 56 мактабнинг стадиёнини жорий тамирлаш бўйича йиғилиш баёни ўтказилди .

Дирекция томонидан 2022 йил 29 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Самарқанд шаҳар халқ таълим бўлимига қарашли биносини жорий тамирлаш сифатли хизмат кўрсатиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия илиши № 22110012137464 лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 23 августдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган Самарқанд шаҳар халқ таълим бўлимига 56 мактабнинг стадиёнини жорий тамирлаш бўйича танлов ўтказиш бўйича” баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан SITORA QURILISH SERVIS мчж "корхонаси голиб деб топилганлигини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш кунидан давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бош бухгалтер С. Мирзаев:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 3 июндаги электрон баённомасига асосан ҳолиб SITORA QURILISH SERVIS МЧЖ корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Экусплатация бўлим бошлиғи Д. Зокирова хизмат кўрсатиш сифат даражаси назорат қилинсин.

Комиссия аъзолари

А. Солиев

Д. Зокирова

М. Абдуллаев

С. Мирзаев

И. Абдубакиров

Ф. Қаххоров



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

SAMARQAND VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI

SAMARQAND SHAHAR ADLIYA BO'LIMI

YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

140100, Samarqand shahar, Amir Temur ko'chasi, 152-uy.

tel: (99855) 701 50 05

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

SHARTNOMA

Buyurtmachi "Samarqand shahar xalq ta'limi bo'limi" hamda bajaruvchi "SITORA QURILISH SERVIS" MCHJ tomonidan 2022-yil 24-avgustda tuzilgan №-63-sonli oldi-sotdi shartnomasi fo'g'risida.

Shartnomaning umumiy summasi 243 179 418 so'mmasi (ikki yuz qiriq uch million bir yuz yettmish to'qqiz ming to'rt yuz o'n sakkiz ming) so'mni tashkil qiladi.

Mazkur kontrakt g'aznachilik bo'linmalarida majburiy ro'yxatga olingan vaqtdan kuchga kiradi va 2022 yil 31-dekabrgacha amal qiladi.

"Buyurtmachi" "Samarqand xalq ta'limi bo'limi" hamda bajaruvchi "SITORA QURILISH SERVIS" MCHJ tomonidan 2022-yil 24-avgustda tuzilgan №-63-sonli oldi-sotdi shartnomasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, "Xo'jalik yurituvchi subektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi" to'g'risidagi qonun, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomilashtirish chora-tadbirlari to'g'sida"gi farmoni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Davlat xaridlari to'g'risida»gi qonun talablariga muvofiq tayyorlangan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Loyiha Samarqand shahar xalq ta'limi bo'limi tomonidan 23.08.2022-yil tizimga kiritilgan.

Samarqand shahar
Yuridik xizmat ko'rsatish
Markazi Bosh yuriskonsulti



2022-yil 26-avgust

N.Usmonov